



## XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI DANG'ARA TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 9 - avgust

VI-59-135-11-155-K/22

Dang'ara tuman hokimligi

**Данғара тумани ДСИ бошлиғи, 4-сектор раҳбари А.Шамсиддинов томонидан жорий йил 6 ойи давомида сектор худудида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида.**

Данғара тумани 4-сектор ишчи гурухи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.01.2019 йилдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли Қарори ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари амалга ошириб борилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда аҳоли хонадонларига бирма-бир кирган ҳолда ҳамда жойларда сайёр учрашувлар ўтказиш йўли билан уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Секторга қарашли маҳаллаларда 41 258 нафар аҳоли, 12 056 та оила ва 8 248 та хонадонлар бўлиб, ёшлар сони 7 771 нафарни ташкил этади. Бунда, даромади кам, бироқ даромад топишга ҳаракат қилаётган хонадонлар (*1-тоифа, 11 %*) сони 921 тани, доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш истагидаги хонадонлар (*2-тоифа, 56 %*) сони 4 640 тани, ижтимоий ҳимояяга муҳтоҷ, боқувчинини йўқотган, ногиронлиги бўлган хонадонлар (*3-тоифа, 5 %*) 351 тани ва иктисодий ахволи яхши ва ўзига тўқ хонадонлар (*4-тоифа, 28 %*) 2336 тани ташкил этди.

Секторда мурожаатлар билан ишлаш бўйича жами 38 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 31 таси ижобий ҳал этилди, 7 тасига хуқукий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, сектор томонидан жами 58 маротаба, шундан 29 маротаба сайёр қабул, 29 маротаба ёшлар билан учрашувлар ўтказилган.

Ўтказилган сайёр қабулларда 156 нафар фуқаролар турли масалаларга доир мурожаатлари қабул қилинди. Мурожаатларни кўриб чиқиш давомида 112 таси қаноатлантирилди, 30 тасига тушунтириш берилди, 14 та мурожаат кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, ёшлар билан ўтказилган учрашувлар давомида 61 нафар ёшлар турли масалаларга доир мурожаатлари қабул қилинди. Мурожаатларни

кўриб чиқиши давомида 49 таси қаноатлантирилди, 4 тасига тушунтириш берилди, 8 та мурожаат кўриб чиқилмоқда.

Аёллар билан 11 маротаба учрашувлар давомида, 23 та турли ҳил масалалрга доир мурожаатлар қабул қилинди. Шундан 12 таси қаноатлантирилди, 8 тасига тушунтириш берилди, 3 та мурожаат кўриб чиқилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ногиронлар ва муҳтож оиласаларга манзилли ёрдам кўрсатишда 4-сектор бўйича “Темир дафтар”га ижтимоий ҳимоятга муҳтож 669 та оила ва уларнинг 2751 нафар оила аъзолари киритилган.

Данғара тумани ДСИ бошлиғи, 4-сектор раҳбари А.Шамсиддинов томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида сектор ҳудудида олиб борган иш натижалари юзасидан ҳисботини тинглаб ва муҳокама қилиб, “Маҳаллий давлат ҳокимиияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Данғара тумани 4-сектор раҳбари, Давлат солиқ инспексияси бошлиғи А.Шамсиддинов томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида сектор ҳудудида олиб борилган ишлари юзасидан ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисблансин.

2. Данғара тумани 4-сектор раҳбари А.Шамсиддиновга:

- сектор ҳудудида яшовчи аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, ҳудудда сайёр қабулларни ташкил қилиш;
- секторда “Темир дафтар”га киритилган оиласаларнинг ижтимоий шароитларини доимий ўрганиб бориш, уларни доимий даромат манбаалари билан таъминлаш орқали ушбу дафтардан чиқариш чораларини кўриш;

- “Аёллар дафтари”да турган аёлларнинг баринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, тиббий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож аёлларга алоҳида эътиборда бўлиб, зарур ёрдамларни кўрсатиш;

- “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит қизларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида иш билан таъминлашда, уларни касб-хунарга ўқитиш, “1+1” дастури ҳамда экиш учун ер майдонлари ажратиш орқали амалий ёрдамлар бериш топширилсин.

3. 4-сектор раҳбарининг туманни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган З-чорак “ЙўЛ ХАРИТАСИ” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 4-сектор раҳбари (А.Шамсиддинов) туман ҳокимининг ўринbosарлари билан ҳамкорликда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилганларни иш билан банд қилиш, ижтимоий ва моддий қўллаб қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш бўйича мунтазам равища амалий ишлар олиб бориш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг

биринчи ўринбосари в.в.б (А.Маматқұлов) ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг “Махаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссия (У.Турдиқұлов) зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Ш.Тожиҳакимов

Xalq deputatlari Dang'ara tuman Kengashining  
2022 yil 9 avgustdag'i  
VI-59-135-11-155-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Фарғона вилояти Данғара туманини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича**

**ишларни ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган 3-чорак**  
**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
<b>4-сектор (ДСИ бошлиғи А.Шамсиддинов худуди) бўйича</b>						
<b>“Йўл харитаси” – Дастурни амалга ошириш бўйича кутилаётган натижалар:</b>						
<ul style="list-style-type: none"> <li>– “йўл харитаси”та киритилган маҳаллалар – 11 та (Истиқлол, Тайпоқ, Уймовут, Катта бойбўча, Қияли қўргонча, Яшик, Бўрикум, Қора мулла, Урганжи, Пишқарон ва Увайсий МФЙлар)</li> <li>– “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун белгиланган молиявий маблағларнинг тахминий ҳажми – <b>10.5 млрд.сўм</b>;</li> <li>– “йўл харитаси” доирасида капитал таъмирланадиган обьектлар – <b>15</b> та;</li> <li>– “йўл харитаси” доирасида таъмирланадиган ички йўллар (км) – <b>дастур асосида 4,6</b> км;</li> <li>– “йўл харитаси” доирасида бандлиги таъминланадиган фуқаролар – <b>521</b> нафар.</li> </ul>						
<b>I. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ногирон ва муҳтоҷ оиласаларга манзилли ёрдам кўрсатиш:</b>						

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
1	Ушбу “Йўл харитаси” – Дастурга киритилган МФЙлар	МФЙлар худудидаги ногирон ва ижтимоий химояга муҳтоҷ оиласарни кўллаб-куватлаш	<p>1. МФЙ худудидаги ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарни рўйхатларини шакллантириш.</p> <p>2. Рўйхатга киритилган оиласарни зарур дори воситалари, ногиронлик аравачалари билан таъминлаш,</p> <p>3. Рўйхат асосида кам таъминланган хамда ишсиз оиласарга товуқ боқишлири, иссиқхона, корамолчилик ва тиқувчилик учун имтиёзли банк кредитларини олишда тавсиномалар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p>4. Туман жамоатчилик назорати гуруҳи томонидан ушбу чора-тадбир ижроси устидан жамоатчилик назорати амалга ошириш.</p>	<p>10 млн сўм (Бюджет маблағлари хисобидан)</p> <p>300 млн. сўм (тумандаги тижорат банкларининг кредитлари хисобидан)</p>	<p>01 августга қадар</p> <p>30 сентябрга қадар</p> <p>30 сентябрга қадар</p> <p>30 сентябрга қадар</p>	<p>Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (А.Шамсиддинов), туман тиббиёт бирлашмаси (А.Жуманов), Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куватлаш бўлими (Ж.Жаҳонбоев), Агробанкнинг туман филиали (С.Юсупов), Халқ банкининг туман филиали (Р.Махмудов), туман ҳокимининг оила ва хотин қизлар масалалари бўйича ўринbosari (М.Азизова)</p>

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
2	Ушбу “Йўл харитаси” – Дастурга киритилган МФЙлар	Секторда хўжаликлараро ички йўлларнинг айrim қисми таъмир талаб ҳолатда.	1. Бириктирилган худудлардаги Истиқлол, Тайпок, Уймовут, Катта бойбўча, Қияли қўргонча, Яшик, Бўрикум, Қора мулла, Урганжи, Пишқарон ва Увайсий МФЙларнинг тупроқ қопламадан иборат ички йўлларни шағаллаштириш ишларини олиб бориш учун режа ишлаб чиқиши, ажратилган маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан режа асосида шағаллаштириш ишларини бажариш.	400 млн сўм (Бюджет маблағлари хисобидан)	2022 йил Июль-сентябр ойлари	Ишчи гурух, Туман Молия бўлими (К.Латипов), туман ободонлаштириш бошқармаси (М.Холмирзаев)
3	Ушбу “Йўл харитаси” – Дастурга киритилган МФЙлар	– Туман ДСИ худудидаги 3857 нафар пенсионерларга пенсия маблағларини ўз вақтида тарқатиш.	Туман ДСИ худудидаги 3857 нафар пенсионерларга жами 1695 млн сўм пенсия маблағларини ўз вақтида етказилиши таъминлаш.	5085 млн сўм (пенсия жамғармаси хисобидан)	Хар ойнинг 27 санасигача	Туман пенсия жамғармаси (Т.Собиров), Халқ банки Дангара филиали (Р.Махмудов)
4	Ушбу “Йўл харитаси” – Дастурга киритилган МФЙлар	Худуддаги ишсизлар синфини аниқлаш ва уларни ишга жойлаштириш	Сектор худудларида ишсиз сифатида 22 нафар фуқаролар рўйхатга олинган бўлиб, уларни туман бандлик бўлимида рўйхатга олинган 22 та бўш иш ўринларига жойлаштириш. Белгиланган янги иш ўринлари лойихаларини ўз муддатида амалга ошириш.		2022 йил июль - сентябрь	Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Н.Йўлдашев)
<b>II. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш:</b>						

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
5	Ушбу “Йўл харитаси”га киритилган МФЙ лар	Маҳалла ахолисининг тадбиркорлик соҳасидаги тажрибасини инобатта олиб томорқа маданиятини ривожлантириш, оиласий бизнесни шакллантириш натижা-сида фуқароларнинг иқтисодий маданиятини ошириш ва моддий эҳтиёжларини каноатлантириш орқали фуқаролар ўртасида салбий ҳолатларнинг олдини олишга эришиш.	1. Худудлардаги ўз бизнесини йўлга кўйган самарали фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирокида тарғибот ташвиқот тадбирларини ўтказиши. 2. Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик тажрибасини ошириш мақсадида семинарлар ўтказиши. 3. Маҳаллада томорқа маданиятини ошириш мақсадида 4 та оиласинг имтиёзли кредит олиб лимон ва оиласий тадбиркорлигини йўлга кўйишларини ташкил қилиши.	энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида (тижорат банкларининг кредит маблағлари) МФЙ кафиллиги асосида	1 августга қадар мунтазам равища	Давлат хизматлари маркази (С.Аскаров) туман ҳокимининг оила ва хотин қизлар масалалари бўйича ўринбосари (М.Азизова) туман ИИБ (А.Тожиев) тижорат банклари, МФЙ Кенгашлари
6	Катта бойбўча МФЙ	Фуқаро X.Маматсаковани оиласида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	Ушбу фуқарога 14,1 млн сўм паррандачилик билан шуғулланиши учун Агробанк Дангарा филиали томонидан кредит ажратиши.	14,1 млн сўм (Агробанк Дангарा филиали кредити ҳисобидан)	Сентябр	Агробанк Дангарा филиали ( С.Юсупов)
7	Корамулла МФЙ	Фуқаро Ш.Холдаровга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	Ш.Холдаровга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 18,8 млн сўм кредит ажратишка ёрдам бериш.	18,8 млн сўм (Агробанк Дангарा филиали кредити ҳисобидан)	сентябрь	Агробанк Дангарा филиали ( С.Юсупов)
8	Яшик МФЙ	Фуқаро И.Мухаммадиевга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	И.Мухаммадиевга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 8,6 млн сўм кредит ажратишка ёрдам бериш.	8,6 млн сўм (Агробанк Дангарा филиали кредити ҳисобидан)	сентябрь	Агробанк Дангарा филиали ( С.Юсупов)
9	Истиклол МФЙ	Фуқаро М.Имомалиевага тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	М.Имомалиевага тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 23,0 млн сўм кредит ажратишка ёрдам бериш.	23,0 млн сўм (Агробанк Дангарा филиали кредити ҳисобидан)	сентябрь	Агробанк Дангарा филиали ( С.Юсупов)

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
10	Урганжи МФЙ	Фуқаро Х.Тешабоев томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	Ушбу фуқарога 9,4 млн сўм тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун Агробанк Дангара филиали томонидан кредит ажратиш.	9,4 млн сўм (Агробанк Дангара филиали кредити ҳисобидан)	сентябрь	Агробанк Дангара филиали ( С.Юсупов)
11	Катта бойбўча МФЙ	Фуқаро Д.Мадумаровни оиласида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	Ушбу фуқарога 18,8 млн сўм қорамол боқишини ташкил этиш учун Агробанк Дангара филиали томонидан кредит ажратиш.	18,8 млн сўм (Агробанк Дангара филиали кредити ҳисобидан)	сентябрь	Агробанк Дангара филиали ( С.Юсупов)
12	Яшик МФЙ	Фуқаро Х.Султоновни оиласида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	Ушбу фуқарога 26,0 млн сўм иссиқхона барпо қилиш учун Агробанк Дангара филиали томонидан кредит ажратиш.	26,0 млн сўм (Агробанк Дангара филиали кредити ҳисобидан)	сентябрь	Агробанк Дангара филиали ( С.Юсупов)
13	Бўрикум МФЙ	Фуқаро Д.Мўйдинов томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш	Ушбу фуқарога 24,7 млн сўм тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун Агробанк Дангара филиали томонидан кредит ажратиш.	24,7 млн сўм (Агробанк Дангара филиали кредити ҳисобидан)	сентябрь	Агробанк Дангара филиали ( С.Юсупов)

**III. Томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш:**

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
14	Ушбу “Йўл харитаси”га киритилган МФЙ лар	Маҳалладаги жами томорқа ерларини камида 15%га иссиқхона ташкил этиш.  Банклар томонидан имтиёзли кредитлар асосида иссиқхонани курулиши ва томорқа ердан фойдаланиш учун керакли жихозлар учун ташкил этиши.	1. Уйма уй юриб томорқасида иссиқхона ташкил этган ерларига экин экмаган аҳолини аниқлаш.  2. Аниқланган аҳолига экин экишини тушунириш ва экинларни тўлиқ эктириш.  3. Томорқасида иссиқхона ташкил этишга хохиши бор фуқароларни аниқлаш.  4. Иссиқхона ташкил этувчи аҳолига кредит маблағларини олиб беришда қўмаклашиш.  5. Туман жамоатчилик назорати гурухлари ва фуқаролар йигинлари Кенгашлари томонидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишлари жамоатчилик назорати амалга ошириш.	энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида (тижорат банкларининг кредит маблағлари) МФЙ кафиллиги асосида	01 август кунига қадар рўйҳатини аниқлаш  мунтазам равища	Давлат хизматлари маркази (С.Аскаров) туман ҳокимининг оила ва хотин қизлар масалалари бўйича ўринbosари (М.Азизова) тижорат банклари, МФЙ Кенгашлари

**IV. Мева-сабзвотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, ва бошқа қишлоқ хўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш:**

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
15	Ушбу “Йўл харитаси”га киритилган МФЙ лар	Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш мақсадида аҳолини ушбу йўналига жалб қилиш	1.Лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш. 2. Лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиши. 3. Лойиҳа асосида бўш иш ўринларини яратиш. 4. Бўш иш ўринларига МФЙ аҳолисини жалб этиши	1,1 млрд. сўм (тумандаги тижорат банкларининг кредитлари хисобидан)	30 июль 30 июль 25 сентябрь 30 сентябрь	туман ДСИ (А.Шамсиддинов), Агробанкнинг туман филиали (С.Юсупов), Халқ банкининг туман филиали (Р.Махмудов), туман ҳокимининг оила ва хотин қизлар масалалари бўйича ўринbosари (М.Азизова) туман тижорат банклари МФЙ Кенгашлари
16	Катта бойбўча МФЙ	Катта бойбўча МФЙ “Nevromed plus med servis” хусусий клиникаси 3 фаолиятини кенгайтириш	Катта бойбўча МФЙ “Nevromed plus med servis” хусусий клиникасига 3 турдаги қўшимча тиббий дастгохлар ўрнатилади	134 млн сўм (фермер тижорат банклари кредит маблағлари хисобидан)	сентябрь	Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи (А.Жуманов), тумандаги тижорат банклари раҳбарлари

**V. Аҳолининг уй-жой ва коммунал шароитларини яхшилаш, худудларни ободонлаштириши:**

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
17	Увайсий МФЙ	МФЙ худудидаги 2 та 4 қаватли уй-жойларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	1. МФЙ худудида 2 та 4 қаватли уй-жойларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш. 2. Электр энергияси, табий газ ва ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш	110 млн сўм (Халқ банки туман филиаллари кредит маблағлари хисобидан)  180 млн. сўм (ташаббускор ҳомийлар маблағи хисобидан)	15 августга қадар  31 сентябрга қадар	туман ҳокими ўринбосари (Т.Салимов), Халқ банки, (Р.Махмудов) Агробанк (С.Юсупов) туман ободонлаштириш бошқармаси (М.Холмирзаев) туман молия бўлими (К.Латипов) ХУЖМШ раислари
19	Истиқлол МФЙ	Худуддаги яроқсиз симёғочларни алмаштириш чорасини кўриш Трансформаторларни таъмирлаш	1. Нечта симёғоч зарурлигини ўрганиб чиқиш. 2. Янги симёғочларга буюртма бериш ва ўрнатиш. 3. 4 та трансформаторларни таъмирлаш 4. 6.16 км электр тармоғини тортиш	501,2 млн сўм (ЎзбекЭнерго АЖ маблағлари хисобидан)	2022 йил июль - сентябрь 2022 йил июль - сентябрь ойи	Туман ҳокимлиги, “Дангарга электр таъминоти” корхонаси
20	Ушбу “Йўл харитаси” – Дастурга киритилган МФЙлар	Худуддаги ахоли хонадонларини табиий газ ва суюлтирилган газ балонлари билан таъминлаш	Сектор худудларидағи суюлтирилган газга мослаштирилган ахоли хонадонларига график асосида хар бир хонадонга 20 кг микдорда суюлтирилган газ етказиб берилишини таъминлаш	Истъемол бўйича	Хар ойда	“Дангаратумангаз” бўлими

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
21	Истиқлол МФЙ, Қорамулла МФЙ, Бўриқум МФЙ	– Худуддаги ахоли хонадонларини ичимлик суви билан таъминлаш	1.Истиқлол МФЙ Хўжа кишлоғидаги ичимлик суви кудуғини қазиши ва 18 км ичимлик суви тармоғини тортиш. 2.Қорамулла МФЙ худудидаги сув минораси “Фарғона сув таъминоти МЧЖ” туман филиали томонидан таъмирланиш.	11 500 млн сўм (дастур маблағлари хисобидан)	июль - сентябрь ойлари давомида	Фарғона сув таъминоти МЧЖ Данғара филиали
<b>VI. Ижтимоий объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, йўл, электроэнергия, газ, сув ва иссиқлик таъминоти қувурларини таъмирлаш</b>						
22	Ушбу “Йўл харитаси”га киритилган МФЙ лар	– Худуддаги таълим мусассаларининг куз қиши мавсумига тайёрлаш	Сектор худудидаги мактабларда иситиш биносини жорий таъмирлаш, ички иситиш тизимини таъмирлаш, ички иситиш тизимини босим остида ювиш, янги иситиш қозони ўрнатиш.	500 млн (бюджет маблағлари хисобидан)	30 августга кадар	Туман Халқ таълими бўлими, Туман ҳокими томонидан бириктирилган маъсул ходимлар.
23	Ушбу “Йўл харитаси”га киритилган МФЙ лар	МТМларда мавжуд камчиликларни тўлдириш ҳамда куз қиши мавсумига тайёрлаш	Сектор худудидаги МТМларда иситиш биносини жорий таъмирлаш, ички иситиш тизимини таъмирлаш, ички иситиш тизимини босим остида ювиш, янги иситиш қозони ўрнатиш.	100 млн (бюджет маблағлари хисобидан)	30 августга кадар	Туман ҳокимлиги (Т.Салимов), туман МТМ бўлими (Г.Ахмедова) Туман ҳокими томонидан бириктирилган маъсул ходимлар
24	Катта бойбўча МФЙ	Тайпок МФЙда жойлашган 47-МТМда реконструкция ишларини якунлаш.	Тайпок МФЙда жойлашган 47-МТМда реконструкция ишларини якунлаш	1,2 млрд сўм Халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг кредит грантлари маблағлари	01 сентябрга кадар	Туман ҳокимлиги (Т.Салимов), туман МТМ бўлими (Г.Ахмедова), қурилиш корхонаси

№	Фуқаролар йигини номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
25	Катта бойбўча МФЙ	Бўриқум МФЙда жойлашган 27-МТМда реконструкция ишларини якунлаш.	Бўриқум МФЙ да жойлашган 27-МТМда реконструкция ишларини якунлаш	70,0 млн сўм ҳомийлик маблағлари хисобидан	30 сентябрга кадар	Туман ҳокимлиги (Т.Салимов), туман МТМ бўлими (Г.Ахмедова), курилиш корхонаси
<b>VII. Ҳуқуқбузарликларни барвакт олдини олиш ва профилактика қилиш, шу жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида:</b>						
26	Ушбу “Йўл харитаси”га киритилган МФЙ лар	Маҳаллада уюшқоқлик кучлилиги, оқсоқоллар фикри мухим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, уларнинг таъсир доирасидан унумли фойдаланиш, маҳаллада хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, жиноятчилик, оиласија ажримларга сабаб бўлаётган холатлар, фоҳишабозлик каби иллатларнинг салбий оқибатлари, авлодларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишига таъсири юзасидан тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориши.	1. Туман миёсида, маҳаллада ташкил этилган маънавий тадбирларига атоқли инсонларни жалб этиш, ҳаётий тажрибаларини тарғиб қилиш орқали маҳаллада салбий ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш юзасидан жамоатчи ва масъул ходимларнинг қўшма чора-тадбир режасини ишлаб чиқиш ва белгиланган муддатда амалга ошириш. 2. Туман жамоатчилик назорати гурухлари ва фуқаролар йигинлари Кенгашлари томонидан маҳаллаларда ва оиласарда ижтимоий-маънавий муҳитни, таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш устидан жамоатчилик назорати амалга ошириш.	-	мунтазам равища	туман ИИБ (А.Тожиев), туман ҳокимининг оила ва хотин қизлар масалалари бўйича ўринбосари (М.Азизова) Ёшлар агентлиги туман бўлими тиббиёт бирлашмаси (А.Жуманов) МФЙ Кенгашлари